

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ЁНДАШУВЛАР

Суюнов Бекзод Баходирович (bbbsuyunov93@gmail.com)

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада сиёсий жараёнларда сунъий интеллектдан фойдаланишининг аҳамияти ҳамда уни қўллаш бўйича турли ёндашувлар таҳлил қилинган. Шунингдек, сунъий интеллект технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда афзалликлари ва камчиликлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Сунъий интеллект, сунъий интеллект алгоритмлари, катта ҳажмдаги маълумотлар, сиёсий лидер, контрагент, сайлов кампанияси, Чатботлар, микротаргетлаш, контент яратиш, клонланган инсон овозлари, дезинформация, манипуляция.

ПОДХОДЫ К ПРИМЕНЕНИЮ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ

Суюнов Бекзод Баходирович(bbbsuyunov93@gmail.com)

Независимый исследователь

Аннотация: В данной статье анализируется важность использования искусственного интеллекта в политических процессах, а также различные подходы к его применению. Также показаны специфика, преимущества и недостатки технологий искусственного интеллекта.

Ключевые слова: Искусственный интеллект, алгоритмы искусственного интеллекта, большие данные, политический лидер, контрагент, кампания, чатботы, микротаргетинг, создание контента, клонированные человеческие голоса, дезинформация, манипулирование.

APPROACHES TO THE USE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN POLITICAL PROCESSES

Suyunov Bekhzod Bakhodirovich(bbbsuyunov93@gmail.com)

Independent researcher

Abstract: This article analyzes the importance of using artificial intelligence in political processes, as well as various approaches to its application. The specifics, advantages and disadvantages of artificial intelligence technologies are also shown.

Keywords: Artificial intelligence, artificial intelligence algorithms, big data, political leader, election, campaign, chatbots, microtargeting, content creation, cloned human voices, disinformation, manipulation.

КИРИШ

Сиёсий жараёнларда сунъий интеллектдан фойдаланиш имкониятлар доираси жуда кенг. Сиёсий йўналтирилган сунъий интеллект алгоритмларини ўқитиш ва ундан самарали фойдаланиш учун маълумотлар таҳлили асос бўлади. Шундай қилиб, сиёсий соҳада сунъий интеллектни қўллашнинг энг муҳим жиҳати жиҳати шундаки, сиёсий жараёнларда кечаётган катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қила олишидир. Масалан, сиёсий йўналтирилган алгоритмлардан сиёсий рақобат жараёнида сайловчиларнинг ҳоҳиши—истаклари, турмуш даражаси ва аҳолининг талабларини (миллати, ёши ва бошқа хусусиятлари билан фарқ қиласидиган) таҳлил қилиш орқали энг самарали стратегиялар ва сайлов дастурларини тузиш учун фойдаланилади. Сунъий интеллект алгоритмлари сиёсий лидерларга рақибларига нисбатан устунликларга эга бўлиш учун сайловчиларнинг ҳоҳиши—истаклари ёки хатти—ҳаракатлари орқали алоҳида мақсадли гурухларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, 2021 йилда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ташқи сиёсат билан боғлиқ маълумотлар массивларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишини режалаштирган¹.

Бундан кўриниб турибдики, ички ва ташқи сиёсий қарорларни қўллаб—куватлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш энг истиқболли йўналишлардан бири бўлади. Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида сунъий интеллект технологиялари сиёсий қарорлар, муқобил ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиши, контрагентларнинг қарорлари ва ҳаракатларини таҳлил қилиши мумкин.

Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида сўровлар харитасини яратиши мумкин, шу билан сиёсатчиларнинг эътиборини мақсадли аудиториянинг сўровларига, муаммоларига шунингдек, ижтимоий гурухларнинг ўзига қаратади.

АҚШнинг сабиқ Президенти Барак Обама 2008 йилги сайлов компаниясида сунъий интеллектдан ижтимоий тармоқлар таҳлилида биринчилардан бўлиб фойдаланган. Шунингдек, 2012 йилдаги иккинчи муддатдаги сайлов кампанияси пайтида сунъий интеллект технологиялари Обаманинг оммавий нутқи учун энг яхши Штат, кун ва аудиторияни аниқлаш

¹ МИД применил искусственный интеллект для анализа внешней политики // РБК: сайт. 14.12.2021. URL: https://www.rbc.ru/technology_and_media/14/12/2021/61b770359a79475adb8e588f (дата обращения 15.10.2023)

учун ишлатилган. Турли ҳисоб–китобларга кўра, бу орқали 10–12% кўпроқ овоз тўплашга эришилган².

Оксфорд университети томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 2020 йилда камида 81 мамлакатда жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш учун рақамли технологиялар ишлатилган. Чатботлар, микротаргетлаш, контент яратиш, клонланган инсон овозлари ва юзни аниқлаш каби воситалардан фойдаланилган³.

Шу билан бирга, яна бир истиқболли йўналишлардан бири бу сиёсий қарорларнинг эҳтимолий оқибатларини прогноз қилиш имконияти. Сунъий интеллект маълумотларни таҳлил қилиши ва вазият ривожланишининг мумкин бўлган сценарийларини прогноз қилиши мумкин. Бу салбий оқибатларнинг олдини олишга ва юзага келиши мумкин бўлган хавфларни ҳисобга олган ҳолда энг мақбул қарорларни қабул қилишга ёрдам беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сиёсат ва бошқарув соҳасида сунъий интеллект технологиялари турли мақсадларда қўлланилиши мумкин. Масалан, Хитойда ушбу технологиялар, жамият ҳаётининг турли соҳаларида хусусан, сиёсий режим барқарорлигини таъминлаш учун ишлатилади (*кatta ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиши алгоритмларидан фойдаланган ҳолда*). АҚШда эса, ИТ мутахассислари федерал сайлов компанияларини ўтказишда иштирок этади, шу билан бирга сунъий интеллект технологияларини яратиш ва ривожлантириш учун давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилади.⁴

Сунъий интеллект технологиялари сиёсий жараёнларнинг деярли барча босқичларида амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, сиёсий жараёнларда сунъий интеллектдан фойдаланишга оид бир нечта ёндашувлар мавжуд. Улардан асосийларига тўхталиб ўтамиз.

1) Таҳлилий прогноз – катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш учун сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бунга сайлов натижалари ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва прогноз қилиш киради. Ўтмишдаги ва ҳозирги мавжуд маълумотларни (тенденцияларни) таҳлил қилиш орқали ўзаро боғлиқлик ва мавжуд қонуниятлар асосида келажакдаги эҳтимолий сценарийлар ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, таҳлилий прогноз стратегик қарорлар қабул қилиш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Турли хил сценарийларни моделлаштириш йўли

² Алмаматов.А “Как ИИ уже используется и может использоваться в политических технологиях” // 2023 // <https://alex-almamatov.medium.com/c132a52e0619>

³ Samantha Bradshaw, Hannah Bailey & Philip N. Howard. “Industrialized Disinformation: 2020 Global Inventory of Organized Social Media Manipulation.” (2021) Oxford, UK: Programme on Democracy & Technology. demtech.oii.ox.ac.uk. 26 pp.

⁴ Р.Алексеев “Искусственный интеллект на службе государства: аргументы «за» и «против»”// научная статья: 2020 ст 6

билин сиёсатчиларга энг самарали сиёсат ва стратегияларни аниқлашга ёрдам беради⁵.

Таҳлилий прогнозни қўллаш йўналишлари:

- сайловни прогнозлаш – олдинги сайлов натижалари, ижтимоий сўровлар, демографик маълумотлар ва бошқаларни таҳлил қилган ҳолда, сайлов натижаларини прогноз қилишда;
- жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш – ижтимоий медиа маълумотлари, сўровлар ва бошқа манбаларни таҳлил қилиш натижасида жамоатчилик фикрини аниқлаш учун;
- сиёсий жараёнлар таъсирини баҳолаш – турли хил сиёсий қарорлар ёки ташабbusларни потенциал таъсирини моделлаштириб, эҳтимолий натижаларни таҳлил қилиш учун;
- сайлов компанияси самарадорлигини ошириш – сайловчиларнинг муайян гурухларини ажратиб олади ҳамда уларнинг ҳоҳиш–истаклари ва хатти–харакатларидан келиб чиқиб шахсий хабарлар жўнатиш орқали тарафдорларини қўпайтириш учун фойдаланилади⁶.

Афзалликлари:	Камчиликлари:
Асосланган қарор қабул қилиш (<i>қарор қабул қилувчи шахсга асосли ва керакли маълумотларни тақдим этади</i>).	Маълумотлар сифати билан боғлиқ муаммолар (<i>таҳлил қилиши учун фойдаланиладиган маълумотларнинг ёлғон ёки тўлиқ бўлмаганилиги нотўғри прогнозларга олиб келиши мумкин</i>).
Самарадорлик (<i>китта ҳажмдаги маълумотларни тез ва аниқ таҳлил қилиши орқали қарор қабул қилиши жараёнларини соддалаштиришига ёрдам беради</i>).	Ахлоқий масалалар (<i>маҳфийлик, тарафкашилик ва шаффоғлик билан боғлиқ ахлоқий муроҳазалар билан боғлиқ</i>).
Шахсга йўналтирилганлиги (<i>шахсий хабар алмашиши ва сайловчиларнинг муайян гуруҳлари билан мақсадли муроқот қилиши имконини беради</i>).	Сунъий интеллект алгоритмларига ўта боғлиқлик (<i>инсон ҳукмисиз амалга оширилган алгоритмларга ҳаддан ташқари имконини беради</i>).

⁵ Ahsan Mujeeb “Data–Driven Politics: The Power of Big Data and Predictive Analysis in Political Campaigns” // статья: linkedin 14.03.2023 // <https://www.linkedin.com/pulse/data–driven–politics–power–big–data–predictive–analysis–ahsan–mujeeb/>

⁶ David W. Nickerson and Todd Rogers “Political Campaigns and Big Data” // Journal of Economic Perspectives—Volume 28, Number 2—Spring 2014—Pages 51–74 // https://scholar.harvard.edu/files/todd_rogers/files/nickerson_and_rogers.2014.pdf

<p>Рақобатбардошлик (<i>сиёсий компанияларга мұваффақияттағы әришии учун күпроқ нималарға әътибор беріши кераклигини аниқлашындағы ёрдам беради</i>).</p>	<p><i>ишиониши қарор қабул қилиши жараёнига таъсир қилиши мүмкін</i>).</p>
---	--

Умуман олғанда, таҳлилий прогноз қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштириш ва сайлов компанияси самарадорлигини ошириш имкониятига ега. Бирок, ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда моделлаштиришда фойдаланиладиган маълумотларнинг сифати жуда муҳимдир.

2) Табии тилни қайта ишлаш (NLP) – сиёсий нутқлар, янгиликлар мақолалар ва ижтимоий тармоқлардаги постлар каби катта ҳажмдаги матнли маълумотларни таҳлил қилиш имконини беради. Бунда қонунчилік ва бошқа меъёрий хужжатлар, жамоатчилик шарҳлари ва ижтимоий тармоқлардаги постлар каби жуда күп миқдордаги тарқоқ матнли маълумотлардан кераклилари ажратиб олинади ҳамда қарор қабул қилувчи шахсга асосли маълумотлар тақдим этилади.

Шунингдек, сиёсатчиларга маълумот олиш, жамоатчилик фикрини билиш, мавзуни моделлаштириш ва тилга таржима қилиш каби вазифаларни автоматлаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида жамоатчилик фикри таҳлил қилинади ҳамда сиёсатчиларга ўз чиқишлигини (қарорларини) жамоатчиликнинг талабига мослаштиришга ёрдам беради.

Табии тилни қайта ишлашни қўллаш йўналишлари⁷:

- жамоатчилик кайфиятини таҳлил қилиш – ижтимоий медиа, сўровлар ва жамоатчилик шарҳларидан маълумотларни қайта ишлаш орқали давлат сиёсати, дастурлари ва ташаббусларига нисбатан жамоатчилик фикрини таснифлаш учун;
- ахборотни ажратиб олиш – катта ҳажмдаги матнлардан асосий маълумотларни ажратиб олиш учун ишлатилади (масалан, сиёсий жараёндаги тенденциялар ва жамоатчилик фикрларини аниқлаш каби);

⁷ Zhijing Jin Max Planck Institute & ETH Zürich, Rada Mihalcea University of Michigan “Natural Language Processing for Policymaking” // Computation and Language // 2023 // <https://arxiv.org/pdf/2302.03490>

- Сиёсий тавсиялар – сунъий интеллект алгоритмлари сиёсий хужжатлардаги қонуният ва ўзаро боғлиқликни аниқлаш орқали сиёсат йўналишини ўзгартириш ёки такомиллаштиришни тавсия қилиши мумкин⁸.

Афзалликлари:	Камчиликлари:
Самарадорлик (<i>ҳужжатларни таҳлил қилиши, сиёсатчиларнинг вақтини ва ресурсларини тежсан каби кўп вақт талаб қиласидиган вазифаларни автоматлаштиради</i>).	Тарафкашлик (<i>табиий тилни қайта ишлишни яратиш ва уни ўқитиш жараёнида субъектив ёки бир тарафлама маълумотлардан фойдаланиш эҳтимоли борлиги</i>).
Тушуниш (<i>катта ҳажмдаги матнли маълумотлардан кераклисини ажратиб олиши имконини беради</i>).	Мураккаблик (<i>ушибу технологияларни яратиш ва унга техник хизмат кўрсатиш маҳсус билимларни талаб қилиши</i>).
Жамоатчилик жалб қилиш (<i>жамоатчилик кайфиятини баҳолаш ҳамда сиёсатчилар ва жамоатчилик ўртасидаги алоқани яхшилашга ёрдам беради</i>).	Махфийлик билан боғлиқ муаммолар (<i>матнли маълумотларни таҳлил қилишида маълумотларни ҳимоя қилиш ва сақлаши билан боғлиқ муаммолар</i>).

Табиий тилни қайта ишлиш – катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, қарор қабул қилишни оптималлаштириш ҳамда жамоатчилик кайфиятини ўрганишни такомиллаштириш учун бир қатор афзалликларни берсада, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун ахлоқий ва маҳфийлик масалалари алоҳида кўриб чиқилиши ва тартибга солиниши лозим.

3) Сиёсий тавсиялар бериш – бу маълумотларни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш бўйича тавсиялар бериш учун сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш. Ушбу тизим тегишли тавсияларни бериш учун ҳукumat ҳисботлари, жамоатчилик фикр–мулоҳазалари ва тарихий маълумотлар каби турли хил маълумотлар манбаларидан фойдаланади⁹.

Сиёсий тавсиялар беришнинг йўналишлари:

- маълумотларни таҳлил қилиш – ушбу тизимлар сиёсатни ишлаб чиқиш билан боғлиқ қонуниятлар, тенденциялар ва ўзаро боғлиқликларни аниқлаш учун катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қиласиди. Маълумотларни

⁸ Р.Алексеев “Искусственный интеллект на службе государства: аргументы «за» и «против»”// научная статья: 2020 ст 6

⁹ Иванова М.И. Рекомендательные системы в государственном управлении: международный опыт // Креативная экономика. – 2021. – Том 15. – № 9. – С. 3495 doi: 10.18334/ce.15.9.113419

таҳлил қилиш орқали юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, сиёсий қарорлар натижаларини прогноз қилиш ҳамда ресурслар тақсимотини оптималлаштиришга эришилади;

- сценарийларни моделлаштириш – сиёсий тавсиялар бериш орқали турли хил сиёсий сценарийлар моделлаштирилади ва уларнинг жамиятга таъсири тахмин қилинади. Маълумотларни таҳлил қилиш ва сценарийларни моделлаштириш ёрдамида сиёсатчиларга турли хил сиёсий қарорларни қабул қилишдан олдин уларнинг мумкин бўлган оқибатлари ҳакида хабардор бўладилар.

Афзалликлари:	Камчиликлари:
Маълумотларга асосланган қарорларни қабул қилиш (<i>сиёсатчиларга маълумотларни таҳлил қилиш ва сценарийларни моделлаштириши ёрдамида асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради</i>).	Тарафкашлик (<i>сунъий интеллект алгоритмларини ўқитиши жараёнидаги субъектив ёки бир тарафлама ёндашувдаги маълумотлардан фойдаланиши эҳтимоли бўлиши мумкинлиги ҳолис сиёсий тавсиялар берилмаслигига олиб келади</i>).
Самарадорлик (<i>сиёсатчиларнинг вақтини ва ресурсларини тежайди ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиши жараёнини автоматлаштиради</i>).	Инсон иштирокининг йўқлиги (<i>сиёсий тавсиялар ишлаб чиқишида сунъий интеллект алгоритмлари инсоний ҳис-туйгулар ва сифат кўрсаткичларни ҳисобга олмаслиги, тавсияларнинг инсоний фазилатларга зид бўлишига олиб келиши мумкин</i>).

Сиёсий тавсиялар бериш тизимлари орқали сиёсат ишлаб чиқиш ёки уни такомиллаштириш имкониятига эга. Шу билан бирга, қарор қабул қилиш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ёки қўллаш билан боғлиқ (шаффоффлик, хавфсизлик, ахлоқий ва бошқа) жараёнларни тартибга солиш муҳимдир¹⁰.

4) Моделлаштириш ва сценарийлар таҳлили – сунъий интеллектга асосланган симуляция моделлари турли сиёсий қарорларнинг турли ижтимоий–иктисодий омилларга потенциал таъсирини моделлаштириш имконини беради. Мураккаб тизимларни ифодаловчи виртуал моделларни яратиш орқали

¹⁰ David Pitts «Policy and guidelines for use of artificial intelligence at work» // Published on LinkedIn 2023// <https://www.linkedin.com/pulse/policy-guidelines-use-artificial-intelligence-work-david-pitts/>

сиёсатчилар турли сценарийларни синаб кўришлари, уларнинг натижаларини таҳлил қилишлари ва энг мақбул қарорлар қабул қилишлари мумкин¹¹.»»

Шу билан бирга, моделлаштириш ва сценарийлар таҳлилини ўтказиш орқали сиёсатчилар турли хил сиёсий қарорларнинг эҳтимолий оқибатлари ҳақида хабардор бўлиш ва баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

Моделлаштириш ва сценарийларни таҳлил қилиш ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб хусусан, ҳукумат тизимлари, илмий–тадқиқот институтлари, халқаро ташкилотлар ва консалтинг компаниялари томонидан кенг қўлланилади. Буни қўллаш натижасида, маълум бир соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва мавжуд сиёсатни баҳолаш билан бир қаторда, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, транспорт ва атроф–муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги келажакда ривожланиш тенденциялари прогноз қилинади¹².

Моделлаштириш ва сценарийлар таҳлилиниң асосий усуллари:

- моделлаштириш орқали прогноз қилиш – сунъий интеллектга асосланган симуляция моделлари турли хил сиёсий сценарийларнинг потенциал натижаларини прогноз қилиш учун тарихий маълумотлар ва прогнозлаш алгоритмларидан фойдаланади. Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва қонуниятларни аниқлаш орқали ушбу моделлар сиёсатчиларга турли хил сиёсий қарорлар ижтимоий–иктисодий омилларга қандай таъсир қилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ прогнозларни тақдим этиши мумкин;
- “агар бунақа бўлсачи” таҳлили – сунъий интеллектга асосланган симуляция моделлари сиёсатчиларга турли хил гипотетик сценарийларни моделлаштириш орқали “агар бунақа бўлсачи” таҳлилини ўтказиш имконини беради. Ҳар хил параметрлар ва тахминларни илгари суриш орқали сиёсатчилар турли хил сиёсий қарорларнинг оқибатларидан хабардор бўлишлари ва оптималь қарорлар қабул қилишлари мумкин.
- тескари алоқа – сунъий интеллект алгоритмларига асосланган прогноз қилиш моделлари сиёсий қарорларнинг потенциал таъсири тўғрисида реал вақт режимида жамоатчилик фикр ва мулоҳазаларини тақдим этиши орқали сиёсатчиларга янги маълумотлар асосида ўз қарорларини ўзгартириш ёки такомиллаштириш имконини беради.

Афзалликлари:	Камчиликлари:
---------------	---------------

¹¹ Harvinder Singh, Jovi Sia «How do you leverage AI and machine learning for planning and scenario analysis?» // Published on LinkedIn 2023// <https://www.linkedin.com/advice/1/how-do-you-leverage-ai-machine-learning-3e>

¹² Matthew J.Spaniol, Nicholas J.Rowland «AI – assisted scenario generation for strategic planning» // Futures & Foresight science Volume 5, Issue 2, 2023 // <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1002/ffo2.148>

Сиёсий қарорларнинг эҳтимолий оқибатлари тўғрисида маълумот олиш имконияти мавжуд.	Маълумотларнинг етишмаслиги (<i>моделлаштириш ёки сценарийлар таҳлили вазифани аниқ бажарииши учун катта миқдордаги маълумотларни талаб қилиши, шунингдек маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслиги, нотўғрилиги ёки эскирганлиги натижаларнинг хато бўлишига олиб келиши мумкин</i>).
Сиёсатчиларга турли хил хавфларни, ноаниқликларни ва кутилмаган ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради.	Шаффоффлик (<i>асосий алгоритмлар ва уларнинг ишилаш принципи ҳақидаги маълумотлар шаффофф ёки очиқ эмас</i>).
Мавжуд фактлар, тенденциялар ёки маълумотлар таҳлилига асосланган ечимлар беради.	Моделлар ёки сценарий таҳлилларига ўта ишониш (<i>сиёсатчилар сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида яратилган моделлар ёки сценарийларга ҳаддан ташқари ишониб, уларни эксперталар ўрнини босувчи восита сифатида кўриши мумкин</i>).
Томонлар ўртасида коммуникация ва ҳамкорликни осонлаштиради	

Умуман, сиёсатда моделлаштириш ва сценарийларни таҳлил қилиш сиёсатчиларга турли хил вариантларни ўрганиш, натижаларни олдиндан кўриш ва қарор қабул қилиш жараёнларини оптималлаштириш имконини берадиган кучли восита ҳисобланади. Ушбу усулларда маълумотлар билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд бўлсада, сиёсий жараёнлар самарадорлигини оширишдаги афзаликлари уларни замонавий бошқарувда ажралмас воситага айлантиради.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект алгоритмларини сиёсий жараёнларда фойдаланишга оид илмий ёндашувлар бир тарафдан самарадорликни оширишга хизмат қилса, бошқа тарафдан қарор қабул қилувчи шахсга асосланган маълумотлар асосида таҳлилларни амалга оширишга, масалани ечишнинг турли хил сценарийларини ишлаб чиқишига, таҳлилий сиёсий

тавсиялар беришга ҳамда фуқаролар кайфиятини ўрганиш орқали ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Шу билан бирга, ушбу технологиядан масъулиятли ва адолатли фойдаланишни таъминлаш унинг ахлоқий жиҳатлари, хавфсизлик масалалари, ва шаффофлик каби муносабатларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда ушбу йўналишдаги ишлар давлат томонидан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. МИД применил искусственный интеллект для анализа внешней политики // РБК: сайт. 14.12.2021. URL: https://www.rbc.ru/technology_and_media/14/12/2021/
2. Алмаматов.А “Как ИИ уже используется и может использоваться в политических технологиях” // 2023 // <https://alex-almamatov.medium.com/c132a52e0619>
3. Samantha Bradshaw, Hannah Bailey & Philip N. Howard. “Industrialized Disinformation: 2020 Global Inventory of Organized Social Media Manipulation.” (2021) Oxford, UK: Programme on Democracy & Technology. demtech.oii.ox.ac.uk. 26 pp.
4. Р.Алексеев “Искусственный интеллект на службе государства: аргументы «за» и «против»”// научная статья: 2020 ст 6
5. Ahsan Mujeeb “Data–Driven Politics: The Power of Big Data and Predictive Analysis in Political Campaigns” // статья: linkedin 14.03.2023 // <https://www.linkedin.com/pulse/data-driven-politics-power-big-data-predictive-analysis-ahsan-mujeeb/>
6. David W. Nickerson and Todd Rogers “Political Campaigns and Big Data” // Journal of Economic Perspectives—Volume 28, Number 2—Spring 2014—Pages 51–74 // cholar.harvard.edu/files/todd_rogers/files/nickerson_and_rogers.2014.pdf
7. Zhijing Jin Max Planck Institute & ETH Zürich, Rada Mihalcea University of Michigan “Natural Language Processing for Policymaking” // Computation and Language // 2023 // <https://arxiv.org/pdf/2302.03490>
8. Р.Алексеев “Искусственный интеллект на службе государства: аргументы «за» и «против»”// научная статья: 2020 ст 6
9. Иванова М.И. Рекомендательные системы в государственном управлении: международный опыт // Креативная экономика. – 2021. – Том 15. – № 9. – С. 3495 doi: 10.18334/ce.15.9.113419
10. David Pitts «Policy and guidelines for use of artificial intelligence at work» // Published on LinkedIn 2023// <https://www.linkedin.com/pulse/policy-guidelines-use-artificial-intelligence-work-david-pitts/>

11.Harvinder Singh, Jovi Sia «How do you leverage AI and machine learning for planning and scenario analysis?» // Published on LinkedIn 2023//
<https://www.linkedin.com/advice/1/how-do-you-leverage-ai-machine-learning-3e>

12.Matthew J.Spaniol, Nicholas J.Rowland «AI – assisted scenario generation for strategic planning» // Futures & Foresight science Volume 5, Issue 2, 2023 //
<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/epdf/10.1002/ffo2.148>